

# ЁШЛАРНИ КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШДА ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАР ҲАҚИДАГИ БИЛИМЛАР УЗЛУКСИЗЛИГИ

ЖДПИ ўқитувчиси Д.Қаршибоева.

**Аннотация:** Ушбу мақолада ёшларни касбга йўналтириш ишларини ташкил этиш шакллари ва уни илмий асосда олиб бориш хусусида фикрлар юритилган.

**Калит сўзлар:** ўқув-тарбиявий, касб-ҳунар, талаба ёшлар, илмий изланиш.

Маълумки, таълим-тарбияга бўлган замонавий талаблар ҳамда уларнинг сифатини ошириш муаммосига янгича ёндашув, уни мунтазам равишда такомиллаштиришнинг инновацион услубларини ишлаб чиқиш ва уларни таълим-тарбия жараёнига кенг жорий этишлардан иборат. Республикамизда қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу сабабли ҳам ёшларни касбий фаолиятга тайёрлашда замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан, ўқув-тарбиявий ишларнинг интерактив усулларидан фойдалана оладиган қилиб ҳамда ўзидаги педагогик фаолият маҳоратини ва кўникмаларини янада такомиллаштириш, ривожлантириш устидаги фаолиятини илмий асосда ташкил қила оладиган, шунингдек, уларни мустақил илмий-педагогик ва касбга доир бошқарув фаолиятига лойиқ қилиб тайёрлаш бугуннинг долзарб муаммосидир. Бу эса кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг учинчи босқичи вазифасини ҳал қилишининг бир варианты ҳамдир. Ушбу вариант ўз навбатида қатор вазифаларни ҳал қилишни тақозо этади. Улар:

- ёшларни замонавий талаблар асосида интеллектуал салоҳиятли қилиб тарбиялшга эришиш, яъни илм-фан ва техника-технологияларнинг замонавий ютуқларини амалиётда жорий этишга йўналтирилган касб тайёргарлигига эга қилиш;

- ёшларни касбий фаолиятга тайёрлашда замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланилган педагогик технологиялар ва интерактив таълим методларидан фойдаланишга ўргатиш ва шу кабилар.

Маълумки, изланиш, ижодий фаолият юритиш натижасида бирор янгиликка эришиш демакдир. Натижалар ижодий изланиш хусусиятига қараб турли шаклларда бўлиши мумкин, яъни реферат, тезис, мақола, китоб, автореферат, диссертация, монография ёки шаклланган фикр, ғоя, қараш (концепция), таълимот ёки қурилма, механизм, машина, ихтиро, патент, кашфиёт ёки усул, услубият, метод, мезон, технология, модель, алгоритм, тамойил, модул ва ҳ.к.

Демак, ижодий изланиш, илм-фан, техника-технология, таълим-тарбия, маданият ва шу кабиларни ривожлантириб, уларнинг ҳозирги ҳолатини янги сифат босқичига кўтаради. Бу талабаларни кўпроқ илмий ижодга жалб этиш орқали пировард натижада илмий дунёқарашни юксак мутахассис тайёрлашга эришиш демакдир.

Энди асосий масалалардан бири, бундай илмий изланиш асосларини олий таълим муассасасининг қайси фанлари ўрганишда ва курсларида талабалар онгига қандай сингдириш муаммоси турибди. Бу соҳада олиб борилган кўп йиллик изланишларимиз натижаларининг кўрсатишича, ушбу жараёнда дастлабки курсданок бошлаб юбориш мақсадга мувофиқ экан. Бунинг учун ҳар бир курсга мос бўлган мазкур йўналишдаги саволномалар тузилади ва уларга тегишли жавоблар олинади. Олинган натижалар асосида талабаларга қуйидагича топшириқлар берилади: 1. Талабалар умумий савиясини баҳолашга саволномалар (15 та савол) бўйича улар 4 қисмга бўлинган бўлиб, уларнинг биринчиси умумий маълумотлар (Ф.И.О.) туғилган йили ва жойи, ўрта умумтаълим мактабини ёки ўрта махсус касб-хунар таълим муассасасини битирганлиги ҳақидаги маълумот; 2. Талабанинг умумий қизиқиши (эгалламоқчи бўлган касби) бўйича; 3.Замонавий илм-фан ютуқлари (таълимни ахборотлаштириш) бўйича; 4. Илмий дунёқарашни кенгайтириш воситаларидан фойдалана олиш қобилиятлари ва шу кабилар.

Топшириклар натижаларининг кўрсатишича, талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашда уларнинг илмий дунёқарашини кенгайтиришда ўқув режасидаги қуйидаги фанлар блокларига алоҳида эътибор қаратилиши лозим экан: - математик ва табиий-илмий фанлар; - умумкасбий фанлар; - махсус фанлар блоки; - қўшимча фанлар блоки.

Бу фанларни талабалар I-IV курсларда ўрганадилар ва буларда олган билим ва тушунчалардан амалиётда (амалий машғулотларда ва педагогик амалиётларда) ҳам фойдаланишга эришадилар.

Демак, ёшларни касбий фаолиятга тайёрлашда узлуксиз таълим тизими тўғрисидаги айниқса олий таълим тизимида илм-фан ва таълим тараққиётида, кишилар турмуш шароитини яхшилашда, оила ва шахс камолига эришишда, жамоа манфаатларини юксакликка кўтаришда, жамият тараққиёти савиясини тезлаштиришда ва давлатнинг иқтисодий ҳамда маънавий-маърифий кудратини юксалтиришдаги далил-исботлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ экан. Бунда ўрганилаётган фан мазмунига қараб кундалик турмушимизда ишлатилаётган гугурт, игна, радио, авиация, телевизор, кино, телефон, ёзув, қоғоз, китоб, соат, автомат, электрон ҳисоблаш машиналари, автомобиль, атом ва транспорт воситалари ва ҳоказоларнинг яратилиши ҳамда уларнинг амалиётдаги аҳамияти, уларнинг ўзи ҳам вақтида кишилиқ жамияти тараққиёти босқичлари билан мос равишда ақлий-ижодий фаолияти маҳсули эканлигини талабалар онгига сингдириб борилса, уларнинг илмий дунёқарашини кенгайтириш имкони туғилади.

Ёшларни касбий фаолиятга тайёрлашда ва уларнинг илмий дунёқарашини кенгайтиришни таълим-тарбия жараёнининг турли жабҳаларида амалга ошириш учун ҳар бир фан шакл-ланишидаги илмий асарларни қайд қилиб ўтиш ва ёшларни илмий изланиш жараёнига эътиборини қаратиш етарли. Буларни талабаларга мустақил топ-ширик бериш орқали биринчи курсданок бошлаб юборган маъқул ва ушбу жараённинг узлуксиз кетма-кетлигини қуйидагича амалга оширган маъқул:

- ёшларга ўрганиладиган тушунча юзасидан маълумотларни тўплашни ва уларни ахборот кўринишига айлантиришни ўргатиш. Бунда кутубхонадаги картотека ва улар асосидаги адабиётлар рўйхатини тузиш;

- ўрганилиши керак бўлган адабиётларнинг аннотацияси ёки реферати ҳақида маълумот бериш. Буни фан ўқитувчилари ўз фанининг дастлабки босқичида яъни фаннинг мақсади ва вазифалари ҳамда предметларни баён қилиш пайтида амалга оширса бўлади ёки бу жараён илмий ижодиёт тўғаракларнинг бевосита вазифаси ҳамдир;

- ёшларга аниқ мавзу бўйича реферат ёзишни топшириш орқали ҳам амалга оширилади ва шу тариқа олий ўқув юртлиридаги ўқитишни тугатгунга қадар жорий топшириқлар бериб борилаверади. Бу борадаги ушбу илмий изланишимизнинг самараларини «Илмий ижодиётга кириш» мавзусидаги фанни ўрганишда яққол сезилади. Ушбу фан ёшларни касбий фаолиятга тайёрлаш ўқув режасининг “танлов фанлар” блокада киритилган бўлиб, унда ўзлаштирилган билимлар ўқув режасидаги бошқа (кейинги) фанлар блокларидаги фанларни юқори савияда ўзлаштиришга ҳам мустақкам асос бўлди ва айниқса, тўрт йил давомида бериладиган ижодий топшириқлар (мустақил таълимга оид маълумотларни излашда, аннотация ва реферат ёзишда, тезис ва маъруза тайёрлашда, бурч ва малакавий битирув ишлари устида ишлашда)ни бажаришда ҳам мустақкам интеллектуал асос бўлди.

### **Адабиётлар рўйхати**

- 1.Тўрақулов Х.А. Илмий ижодиёт методологияси. – Тошкент: Фан, 2006. – 252 б.
2. Самовоспитание — естественный процесс адаптации личности / М. Ш. Яхшиева, Ширин Камолова, Э. С. Эшонкулов [и др.]. — Текст : непосредственный // Образование и воспитание. — 2015. — № 1 (1). — С. 62-64. — URL: <https://moluch.ru/th/4/archive/4/9/> (дата обращения: 31.03.2021).
- 3.Мунарова Раъно Усаровна, Камолова Ширин Усаровна, Шакарбоева Шахноза Абдулакимовна, Каршибоева Дилфуза Бурлиевна, & Алимкулов

Сирожиддин Олимжон ўғли (2016). Великие мыслители Средней Азии о воспитании гармоничного и всесторонне развитого поколения. Проблемы педагогики, (2 (13)), 17-19.

4.Формирование научного мировоззрения студентов / М. Ш. Яхшиева, Ширин Камолова, Э. С. Эшонкулов [и др.]. — Текст : непосредственный // Актуальные задачи педагогики : материалы VI Междунар. науч. конф. (г. Чита, январь 2015 г.). — Чита : Издательство Молодой ученый, 2015. — С. 184-186. — URL: <https://moluch.ru/conf/ped/archive/146/6908/> (дата обращения: 31.03.2021).

5.Педагогические взгляды Абу Али ибн Сины (Авиценны) / Ш. У. Камалова, Р. У. Мунарова, Н. А. Ахмедова [и др.]. — Текст : непосредственный // Молодой ученый. — 2015. — № 9 (89). — С. 1068-1070. — URL: <https://moluch.ru/archive/89/17662/> (дата обращения: 31.03.2021).

6.Shirin Kamolova, Великие мыслители Средней Азии о воспитании гармоничного и всесторонне развитого поколения, Архив Научных Публикаций JSPI: 2020: Архив №25 (science.i-edu.uz, jspi.uz)

7.Shirin Kamolova, Malakali mutaxassis kadrlarni tayyorlashda axborot texnologiyalaridan foydalanish davr talabi, Архив Научных Публикаций JSPI: 2020: Архив №68 (science.i-edu.uz, jspi.uz)

8.Shirin Kamolova, Ўқув фаоллигига асосланган муносабат мотивацияси - муваффақият калити , Архив Научных Публикаций JSPI: 2020: Архив №79 (science.i-edu.uz, jspi.uz)

9.Shirin Kamolova, Соғом авлод тарбиясида алломалар фикридан фойдаланиш, Архив Научных Публикаций JSPI: 2020: Архив №63 (science.i-edu.uz, jspi.uz)

10.Shirin Kamolova, THE IMPACT OF FAMILY ATMOSPHERE WHILE SOCIALIZING CHILD , Архив Научных Публикаций JSPI: 2020: Архив №78 (science.i-edu.uz, jspi.uz)

11. Shirin Kamolova, Баркамол шахс дунёқарашининг шаклланишида ахборот технологияларининг ўрни , Архив Научных Публикаций JSPI: 2020: Архив №63 (science.i-edu.uz, jspi.uz)
12. Shirin Kamolova, ПСИХОЛОГИЯ ТАРИХИ ДАРСЛАРИДА ФАРОБИЙНИНГ “АҚЛ ТЎҒРИСИДАГИ” РИСОЛАСИ, Архив Научных Публикаций JSPI: 2020: Архив №67 (science.i-edu.uz, jspi.uz)
13. Shirin Kamolova, ТАЛАБАЛАР ИЛМИЙ ДУНЁ? АРАШИНИ БОЙИТИШ МУАММОЛАРИ , Архив Научных Публикаций JSPI: 2020: Архив №51 (science.i-edu.uz, jspi.uz)
14. Shirin Kamolova, РОЛЬ ОБЩЕЧЕЛОВЕЧЕСКИХ ЦЕННОСТЕЙ В ФОРМИРОВАНИИ НАУЧНОГО МИРОВОЗЗРЕНИЯ И ГАРМОНИЧНО РАЗВИТОЙ ЛИЧНОСТИ , Архив Научных Публикаций JSPI: 2020: Архив №51 (science.i-edu.uz, jspi.uz)
15. Shirin Kamolova, Feruza Yusupova, THE IMPORTANCE OF COGNITIVE PROCESSES IN THE FORMATION OF A SCIENTIFIC WORLDVIEW AMONG STUDENTS, Архив Научных Публикаций JSPI: 2020: Архив №17 (science.i-edu.uz, jspi.uz)